

Ассалому алайкум ҳурматли юртдошлар ва брифинг иштирокчилари!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг навбатдаги брифинги орқали сизлар билан маълумотларни бўлишишда давом этамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6094-сонли Фармони билан Президентнинг «Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори янги таҳрирда баён этилган.

Янги таҳрир бўйича техник чигитни харид қилиш учун гигиеник хулоса ва мувофиқлик сертификатларидан ташқари чигитни қайта ишлаш учун тўлиқ технологик цикл яъни (*мағизни янчиш, гидротермик ишлов бериш, пресслаш, экстракциялаш, рафинациялаш, дезодорациялаш ва қадоқлаш цехлари*)га ҳам эга бўлиши шартлиги белгиланди.

Мазкур Фармон билан, корхоналарнинг пахта техник чигитини тўлиқ технологик циклда мақсадли қайта ишлаганлиги ҳамда уларнинг маҳсулот сифатини тасдиқловчи гигиеник хулоса ва мувофиқлик сертификатларига эга эканлиги устидан назорат Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси зиммасига юқлатилди.

Ушбу назорат тадбирлари, “Ўзагроинспекция” томонидан “Ўзёғмойсаноат” уюшмаси, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати мутахассисларини жалб этган ҳолда амалга оширилмоқда.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясида “Республика мувофиқлаштирувчи комиссияси” ва жойларда “Ҳудудий ишчи гуруҳлари” ташкил этилди ҳамда вазифалари белгиланди.

Белгиланган тартибга кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектларида ўтказилаётган назорат тадбирлари “ҳавфни таҳлил қилиш” тизими асосида амалга оширилиши лозим.

Хусусан, жорий йилнинг шу даврига қадар 550 га яқин ёғ-мой корхоналарида текширишлар ўтказилди.

Текширилган ёғ-мой корхоналаридан 322 тасининг фаолияти

пахта техник чигитини, 100 таси бошқа мойли ўсимликларни қайта ишлаш фаолияти билан, 97 таси эса умуман бошқа фаолият тури билан шуғулланиши ҳамда 28 таси ўз фаолиятини тұхтаттганлиги аниқланди.

Техник чигитни қайта ишлаш фаолияти билан шуғулланган 322 та ёғ-мой корхонасининг 106 таси пахта техник чигитини қайта ишлаш учун белгиланган талабларга мувофиқлиги ва 216 та корхоналар фаолияти эса қарорда белгиланган талабларга мувофиқ әмаслиги аниқланди.

Аниқланган камчилик ва қонунбузилишлар юзасидан корхоналарга нисбатан жами 556 та таъсир чоралари күрилиб, шундан 199 та огоҳнома, 350 та күрсатма ва 7 та тақдимномалар киритилди.

Бундан ташқари, 39 та ёғ-мой корхоналарига оид түпланган материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди, шундан 23 таси судларга ва 16 таси прокуратура органларига тақдим қилинган.

Шу билан бирга, Инспекция томонидан амалга оширилган ҳужжатли таҳлил натижасига кўра муқаддам фармон талабларига жавоб бермаслиги аниқланган 20 та ёғ-мой корхоналари томонидан техник чигитни биржадан харид қилмасдан тўғридан-тўғри харид қилинганлиги ва тўлиқ технологик цикли мавжуд бўлмасада, ноқонуний қайта ишлаганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан, ушбу ёғ-мой корхоналарга оид түпланган материаллар ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жумладан, прокуратурага, иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаменти ва судларга юборилди.

Фармонда белгиланган талабларга мувофиқ фаолият юритмаётган ёғ-мой корхоналари ҳақидаги маълумотлар Ҳукуматнинг тегишли қарор ва топшириғига биноан Республика товар хом-ашё биржасига киритилди.

Қонунчиликда белгиланган нормаларга кўра, пахтадан олинган чигит, пахта мойи ва қайта ишланган чигит чиқиндилари (шрот, шелуха) — ишлаб чиқариш ҳажмининг тўлиқ миқдорда биржга савдолари орқали сотилиши белгиланган.

Бугунги кунда, ўтказилаётган назорат тадбирларидан мақсад, аҳоли саломатлиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир.

Шунинг учун озуқа мақсадида ишлатиладиган пахта мойи, албатта, рафинацияланиши ва дезодорацияланиши муҳимдир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 сентябрдаги ПФ-6314-сон Фармони талаблари бўйича пахта тўқимачилик кластерлари ва ёғ-мой корхоналарида “ҳавфни

тахлил қилиш” ва профилактика тадбирини ўтказиш мақсадида Инспекциянинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят бошқармалари томонидан 122 та пахта тўқимачилик кластерларига ҳамда 106 та ёғ-мой корхоналарига огоҳномалар берилиб, профилактика тадбирлари ўтказилди.

Эътиборингиз учун раҳмат, Саломат бўлинг!

**Х.Шадиева, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш
инспекцияси Ахборот хизмати раҳбари**